



САМАРҚАНДНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев
11 февраль куни Самарқанднинг
туризм салоҳиятини, шу
жумладан, зиёрат туризмини
ривожлантиришга доир тақдимот
билан танишди.**

Жорий йил 9 февраль куни давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унда туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, сайёҳларга мақбул шароитлар яратиш мақсадлари белгиланди.

Бу борада Самарқанднинг салоҳияти жуда юқори. Шу боис, мазкур вилоятда туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича комплекс ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Самарқанд туманида туристик марказ ташкил этилмоқда. Бу сўлим масканда 8 та замонавий меҳмонхона, йирик анжуманлар зали, ресторанлар, боғ ва сайилгоҳлар бўлади.

Ушбу туристик марказни Самарқанд халқаро аэропорти, темир йўл вокзали, Имом Бухорий макбараси, Регистон майдони ва бошқа диққатга сазовор жойлар билан боғлайдиган кўчалар таъмирланмоқда.

Самарқанд шаҳрининг туризм салоҳиятини ривожлантириш мақсадида 10 та янги меҳмонхона барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари тақдимот билан танишиб, транспорт, йўл ва коммуникация тармоқларини ривожлантириш, Самарқанд шаҳрини ободонлаштириш, савдо ва хизматларни кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА УЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтидорли ва истиқболли, айниқса, республика ҳудудларидан ёш мутахассисларни излаб топиш ва танлашга қаратилган фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янада модернизациялаш, уларнинг хориждаги нуфузли таълим ва илмий муассасаларда, ишлаб чиқариш, инновацион ва бошқа компанияларда мақсадли таълим олишини ҳамда стажировкадан ўтишини ташкил этиш, профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларни давлат хизматига жалб этиш борасида барча шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ—5843-сон Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ихтиёрига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйдагилар Жамғарманинг қўшимча вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

иқтидорли ва истиқболли, айниқса, республика ҳудудларидан давлат хизматчиларини тизимли равишда излаб топиш, танлаш ва рағбатлантириш, уларнинг хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини ва стажировкадан ўтишини ташкил этиш; профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларни давлат хизматига жалб этишга кўмаклашиш;

ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда хорижий экспертлар билан ҳамкорликда давлат хизмати ва таълим соҳасига рақамли технологияларни жорий этишга қаратилган илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш; хорижий таълим, илмий ва бошқа ташкилотлар, олимлар ва экспертлар, шунингдек, ватандошлар билан ҳамкорликда онлайн платформаларга асосланган масофавий таълим дастурлари, ўқув курслари ва бошқа таълим, илмий-тадқиқот ва амалий лойиҳаларни амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг мутахассисларни излаб топиш, танлаш ва уларнинг хорижда таълим олишини ташкил этиш тизимини қуйдагиларни назарда тутган ҳолда, тубдан қайта қўриб чиқиш бўйича тақлифига розилик берилсин:

очиқ стипендия танловлари асосида хорижда бакалаврият, магистратура ва докторантурада таълим олиш дастурлари Жамғарманинг асосий таълим дастурлари (кейинги ўринларда — таълим дастурлари) ҳисобланади;

Жамғарма таълим дастурлари бўйича номзодларни саралаш танлови

мунтазам равишда ва Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун уларнинг республикадаги иш ва ўқиш жойидан қатъи назар очиқ тарзда амалга оширилади;

Жамғарма томонидан вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тўғридан-тўғри буюртмалари асосида истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича стажировкадан ўтиш дастурлари ташкил этилади.

4. Белгилансинки, Жамғарма таълим дастурлари бўйича номзодларнинг очиқ саралаш танлови қуйдаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

давлат ва жамият бошқаруви; қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳаси;

таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳа тармоқлари; иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари.

5. Жамғарма 2021 йилда очиқ стипендия танловлари асосида ёшларнинг нуфузли хорижий мамлакатларда бакалаврият дастури бўйича таълим олиши учун 100 та ўрин, магистратура ва докторантурада ўқиш учун аввалги йилларга нисбатан ўртача 5 баробар кўп ўрин ажратсин.



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон Фармонига мувофиқ ҳамда иқтисодиётга хусусий инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш мақсадида:

1. Халқаро консалтинг, аудиторлик ва инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция банклари ва бошқа ихтисослашган компанияларни (кейинги ўринларда — профессионал ташкилотлар) жалб этган ҳолда, давлат активларини хусусийлаштиришнинг замонавий усулларини жорий этиш амалиёти бошланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ мазкур Фармоннинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган давлат активларини оммавий савдоларга қўйишда ва уларни сотиш жараёнларини ташкил этишда:

профессионал ташкилотларни жалб этиш Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки “UzAssets” инвестиция компанияси томонидан энг яхши тақлифларни танлаб олиш асосида амалга оширилади. Бунда, улар билан тузиладиган шартномаларни экспертизадан ўтказиш талаб этилмайди;

профессионал ташкилотлар томонидан давлат активларини сотиш мақсадида аниқланган қиймат ёки қийматлар оралиғи (баҳолаш фаолиятининг миллий стандарти талабларидан қатъи назар) савдо жараёнида мўлжал сифатида ҳисобга олинишига рухсат берилади; баҳолаш ташкилотининг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботида тавсия этилган ва унинг экспертиза хулосасида аниқланган нархни давлат активининг бошланғич нархи сифатида мажбурий белгилаш тўғрисидаги талаб амал қилмайди;

Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясига давлат активларининг бошланғич нархини эълон қилмаган ҳолда сотиш тўғрисида эълонлар бериш ҳамда 2 тадан кам бўлмаган тақлифлар орасида энг яхши асосида сотиш бўйича қарорлар қабул қилиш ваколати берилади (баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда тавсия этилган ва

экспертиза хулосасида аниқланган нархдан қатъи назар).

3. Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга, 2021 йил 1 августга қадар давлат мулкни хусусийлаштиришда баҳоловчи ташкилотларни танлаш, уларнинг хизматлари қийматини аниқлаш ва тўлашнинг энг яхши тижорат тақлифларини танлаб олиш тартибини жорий этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар этиб Бош вазирнинг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж.Ортиқов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чорада муҳофама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 11 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ;

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2021 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга қақирилсин.

Ҳарбий хизматга яроқли, шу жумладан чекловлар билан яроқли бўлган ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув даврида Қуролли

Кучлар сафига қақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик қақируви резерви хизматига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2021 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 11 февраль

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

**Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари**

Жорий йилда давлатимиз ва халқимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кутилмоқда. Демократик ва адолатли сайлов демократиянинг ўта муҳим ва зарур шартларидан ҳисобланади.

2019 йилда “Янги Ўзбекистон — янги сайловлар — янги парламент” деган устувор ғоя асосида бўлиб ўтган сайлов мамлакатимизда демократик

ислохотларни юқори босқичга олиб чиқиш учун зарур бўлган янги сиёсий муҳит вужудга келганлигини яққол кўрсатди.

Илк бор Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтган сайлов даврида орттирилган тажриба, сайлов қонунчилиги ва амалиётимизда юзага келган айрим бўшлиқлар ва ечимини кутаётган вазифалар мавжудлигини ҳам кўрсатди.



Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҚАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

КАМ ХАРАЖАТ ВА КАТТА ФОЙДА: қорақўлчиликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам

**Баҳром ШАРИПОВ,
Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш
қўмитаси раиси**

Қорақўлчилик соҳаси агро-саноат секторининг истиқболли тармоқларидан бири ҳисобланади, кам харажат эвазига юқори даромад олиш борасида катта имкониятлар тақдим этади. Мутахассислар фикрича, бу соҳа иқтисодиётдаги энг тежамкор ва самарали, экологик жиҳатдан ҳам безарар тармоқдир. Қолаверса, у мустаҳкам валюта ва бандлигининг энг ишончли манбаларидан бири. Айнан шу боис, сўнгги

йилларда қорақўлчиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Қуни кеча давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Қорақўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор соҳани сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш учун зарур шароитлар яратилишига йўл очади.



Давоми 3-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ
ҲАМДА УЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

6. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғармага Давлат бюджетидан тегишли йил учун ажратилиб ишлатилмасдан қолган маблаглар Жамғарма ихтиёрида қолдирилади ва кейинги йиллар учун унинг таълим дастурларини молиялаштириш учун йўналтирилади;

Жамғарма маблаглари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиларининг хорижий таълим, илмий ва бошқа ташкilotларда стажировкаси ташкил этилади;

хорижда кадрлар малакасини ошириш, уларнинг стажировкадан ўтишини ташкил этиш ва хорижий тилларга ўқитиш тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкilotлар учун Давлат бюджетидан назарда тутилган мақсадли маблаглар, буюртмачиларнинг бюджетдан ташқари маблаглари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ташкил этилади;

Жамғарма стипендиялари квоталари Васийлик кенгаши қарорига кўра таълим дастурлари ҳамда истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликларни ҳисобга олган ҳолда, таълим соҳалари кесимида номзодларни саралаш танловини ўтказиш йўналишлари бўйича ажратилади;

Жамғарма таълим дастурлари бўйича таълим олган стипендияларга стипендия билан тузилган шартномада белгиланган тартиб ҳамда муддат мобайнида вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкilotлари ҳамда давлат улуши маъжуд бўлган ташкilotларда узлуксиз ишлаб бериш мажбурияти юкланади;

Жамғарма давлат хизматчилари ва бошқа тоифадаги ходимлар салоҳиятини оширишга кўмаклашиш, иқтидорли ва истиқболли ёшларни, энг аввало республика ҳудудларидаги ёшларни рағбатлантириш мақсадида етакчи хорижий ва маҳаллий олимлар ҳамда экспертларни жалб этган ҳолда, ўқув курслари, илмий-маърифий ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳуқуқига эга;

стипендиат узрсиз сабабга кўра таълим дастурларидан четлаштирилган тақдирда ёки Жамғарма таълим дастурлари тугалланганидан сўнг меҳнат фаолиятини вазирликлар, идоралар ёки бошқа давлат ташкilotларида давом эттиришдан бош тортган ҳолларда, Жамғарма томонидан стипендиатнинг таълим олиши учун сарфланган барча молиявий харажатлар у билан имзоланган шартнома шартларига мувофиқ стипендиат томонидан қопланади.

7. Жамғарма Васийлик кенгаши **икки ой муддатда:**

вазирликлар, идоралар ва ташкilotларнинг **тўғридан-тўғри буюртмалари асосида** истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича амалга ошириладиган **стажировкадан ўтшини ташкил этиш тартибини;**

Жамғарма стипендияларини **молиялаштиришнинг бир стипендиатга мўлжалланган чекланган миқдорини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Қўйидагилар:

Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси Васийлик кенгаши таркиби 3-иловага мувофиқ;

Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси таълим дастурлари бўйича номзодларни очик саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидаги “Йўл харитаси” 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Вазирликлар, идоралар ва бошқа манфаатдор ташкilotлар:

ҳар йили 1 сентябрга қадар энг яхши тайёрланган номзодларни Жамғарманинг очик саралаш танловида иштирок этишга тавсия этган ҳолда, Жамғарма таълим дастурлари бўйича таълим олиш учун истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича реал эҳтиёж тўғрисидаги маълумотларни Жамғармага киритиб борсин;

тизимли асосда стипендиялар меҳнат фаолиятининг мониторингини ўтказишда Жамғармага кўмаклашин, уларни муносиб ишга жойлаштириш, Ўзбекистонда уларнинг касбий жиҳатдан ўсиши ва мансаб поғоналарида кўтарилиши учун шароитлар яратсин.

10. Жамғармага, истисно тариқасида, ўз таълим дастурларини ташкил этиши, республикага хорижий олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан, ватандошларни жалб қилиши учун Иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУҚда импорт контрактлари (шартномалари) ни мажбурий тарзда рўйхатдан ўтказмаган ҳолда, биржа танловлари ва ваколатли органларда контрактлар (шартномалар)ни экспертизадан ўтказмасдан хизматлар кўрсатиш бўйича хорижий ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма таълим дастурларини амалга ошириш бўйича Жамғарма номидан тузиладиган импорт контрактларини амалга ошириш муддатлари айнан ушбу контрактларда белгиланган муддатлар ҳисобланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 7-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Жамғарма манфаатдор вазирликлар ва

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2021 йил 11 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА
МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

Бошланиши 1-бетда

Бу йилги сайлов жараёнида, давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Утган сайловларда халқаро кузатувчилар томонидан берилган мақбул тавсияларни миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш ишларини давом эттирамиз”.

Шу мақсадда мамлакатимизда бўлажак сайлов миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида, юксак савияда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сайлов қонунчилиги
бўйича депутатлар
ташаббуси

Авваламбор, Олий Мажлис Сенатининг 5 февраль куни бўлиб ўтган ўн иккинчи ялпи мажлисида Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масала қўриб чиқилди. Сенаторлар томонидан Марказий сайлов комиссиясининг бир гуруҳ янги аъзолари сайланди ва айрим аъзоларнинг ваколатлари тугатилди.

Конституциянинг 83-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини қўйи палата муҳокамасига киритди. Қонун лойиҳаси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” давлат дастури доирасида ишлаб чиқилди.

“**Қонун лойиҳаси уч манба — миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётига, 20 дан ортқ хорижий давлатларнинг сайлов ўтказиш тажрибасига, сайловга оид халқаро нормалар ва стандартларга таяниб ишлаб чиқилди.**

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис палаталари, Марказий сайлов комиссияси, сенатор ва депутатлар, олимлар ва экспертлар иштирокида 2 маротаба муҳокама қилинди. Қолаверса, 2020 йилнинг май-июнь ойларида қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди.

Шу тариқа “Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун 5 февраль куни Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган бўлса, 8 февраль куни Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланди ҳамда матбуотда чоп этилди.

Сайлов қонунчилиги ва
жаҳон ҳамжамияти

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди. Унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида батафсил фикр юритишдан олдин мамлакатимизда сўнгги йилларда Президент сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловни очик, шаффоф ва мустақиллик принциплари асосида ўтказишда халқ ҳокимияти ва сиёсий плюрализмининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва сайлов тизимини босқичма-босқич модернизациялаш бўйича бир қатор амалий чоралар қўрилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Буларнинг барчаси бежиз эмас. Чунки “**Жаҳон мамлакатлари демократия индекси**”да Ўзбекистон бугунги кунда **155-ўринни эгалламоқда**. Президентимизнинг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индексларидаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкilotларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмининг жорий қилиш тўғрисида”ги фармонига биноан, “**Сайлов жараёни ва плюрализм**” йўналиши бўйича мамлакатимиз кўрсаткичларини 2022 йилга қадар **6 баравар** ошириш мақсади қўйилган.

2019 йилда бўлиб ўтган парламент сайловида юзага келган бир қатор камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, халқаро ташкilotларнинг айрим мақбул тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар моҳиятини халқаро ҳамжамиятга етказиш зарурати туғилди.

Сайлов кодекси ва
халқаро стандартлар

Янги қонун сайлов жараёнига нисбатан янгона шаффоф ва самарали ёндашувларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, у билан:

● Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига;



● “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”-ги конституциявий қонунга;

● Сайлов кодексига;

● “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунга қўйиладиган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Биринчидан, миллий экспертлар тақлифлари асосида халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари институтини тугатилди. Уларнинг ваколатлари туман (шаҳар) сайлов комиссиялари зиммасига юкланди.

Нега деганда, таҳлиллар ҳар бир округ ўртача 1-3 та сайлов участкаси доираси билан чеклангани ва бир неча йиллардан бери самарасиз фаолият юритиб келганини кўрсатди. Амалиётда тегишли туман (шаҳар) ва округ сайлов комиссиялари вазифаларининг бир-бирини такрорлаши ҳоллари ҳам кузатилган.

Шунингдек, бу давлат бюджетига қўшимча харажати кўпайтирмоқда. Янги қонун талаблари асосида мақбуллаштириш натижасида 54 мингдан зиёд аъзодан иборат 5 минг 739 та округ сайлов комиссияси тугатилгач, бир томондан, инсон ресурслари тежалди, иккинчи томондан, сайловга жалб этилган инсонлар орасида оворагарчиликка чек қўйилди.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг хорижда истиқомат қилаётган фуқароларини, дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобиди бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби, чет давлатларда сайловчилар яшаётган ёки ишлаётган жойида кўча кўчаларда овоз беришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Шу ўринда 2019 йилги парламент сайловида мазкур амалиёт илк бор тажрибадан ўтказилганига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ушанда Ўзбекистоннинг Россия, Жанубий Корея ва Қозғоғистонда бўлиб турган **90 мингдан ортқ** фуқароси кўча кўчалар воситасида овоз берган.

Зеро, янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши айнан фуқароларнинг қаердалигидан қатъи назар, давлат ҳимоясида бўлиши, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари таъминланиши ҳисобланади.

Учинчидан, қамқода сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда ташкил этилган сайлов участкаларини кузатувчилар ўз ташрифи ҳақида қамида 3 кун олдин хабардор қилиш тартиби белгиланди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тавсиялари асосида Сайлов кодексига қуйидаги ўзгаришлар киритилди:

1. Сайлов комиссияларининг номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга оид вазифаси чиқариб ташланди;

2. Сайловолди ташвиқоти даврида давлат ресурсларидан фойдаланиш тақиқланди;

3. Сайлов натижаларини эълон қилиш муддатлари асосиз қўзилишининг олдини олиш мақсадида сайлов комиссиялари қарорлари устидан шикоят муддати 10 кундан 5 кунга қадар қисқартирилди;

4. Сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти учун ажратилган маблаглардан фойдаланишининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида улар томонидан сайловдан олдин оралиқ ва сайловдан сўнг яқуний

молиявий ҳисоботларни, шунингдек, Ҳисоб палатасининг партиялар фаолиятини текшириш натижаларини эълон қилиш тартиби жорий этилмоқда.

Сайлов куни ва жаҳон
тажрибаси

Шу вақтга қадар мамлакатимизда Президент сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кўнглининг биринчи яқшанбасида ўтказиб келинаётганди.

Янги қонун асосида Конституция ва конституциявий қонунга киритилган ўзгаришларга мувофиқ, эндиликда Президент сайлови, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — **октябрь ойи учинчи ўн кўнглининг биринчи яқшанбасида ўтказилиши белгиланди**.

Мамлакатимизда сайлов муддатини декабрь ойдан октябрь ойига қўчиришни қуйидаги муҳим омиллار тақозо этди.

Биринчи омил: парламент сайлови бўлиб ўтгандан кейин қонунчиликда белгиланган муддатларда Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи мажлисларини ўтказиш, уларнинг қўшма мажлисларида Бош вазир номзодини тасдиқлаш, Вазирлар Маҳкамаси — ҳукуматни шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўтказиш каби муҳим сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар янги йилнинг биринчи чорагига тўғри келади. Бу эса Давлат дастурларини қабул қилиш ва тегишли йилга мўлжалланган бошқа ислохотларнинг март-апрель ойларига қадар сурилишига сабаб бўлаётган эди.

Масалан, 2019 йилги парламент сайловидан кейинги сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар жуда қисқа муддатда, яъни 2020 йилнинг 20-24 январа кўнлари оралиғида бўлиб ўтди. 2020 йилга мўлжалланган давлат дастури эса 2 март куни қабул қилинди.

Иккинчи омил: сайлов қаҳратон совуқ давр — қиш мавсумига тўғри келиши, ўз навбатида, фуқароларнинг сайловдаги фаоллигини янада ошириш, сайловолди ташвиқоти тадбирларини кенг қамровли ўтказиш, замонавий сайлов технологияларидан фойдаланиш, айниқса, оммавий тадбирларни ташкиллаштиришда бир қатор камчиликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Утган сайловлар даврида аҳоли ва электрот, сиёсий партиялар томонидан бу борада қатор тақлифлар билдирилди.

Учинчи омил: хорижий тажриба кўрсатмоқдаки, асосан иқлими иссиқ бўлган жанубий ярим шар

давлатларида, масалан, Гана, Миср, Нигерия, Жанубий Африка Республикаси, Жазоир, Венесуэла, Доминика каби мамлакатларда сайлов декабрь ойида ўтказилади. АҚШ, Швейцария, Испания, Уругвай, Чили, Босния ва Герцоговина, Иордания, Молдова ва МДХнинг бир қатор давлатларида эса октябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтади.

Тўртинчи омил: Ўзбекистонда ўтказиладиган сайловлар Европа ва Америка давлатларидан тақлиф этилган кузатувчиларнинг диний байрами, хусусан, Рождество нишонланадиган 25 декабрь санасига тўғри келиши тўғрисида сайлов соҳасида жаҳон миқёсида обрўга эга халқаро кузатувчиларнинг иштирокини чекламоқда.

Ана шу омиллари инобатга олиб, янги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов декабрь ойдан октябрь ойи учинчи ўн кўнглининг биринчи яқшанбасига қўчирилаётган бўлди.

Бунинг натижасида, бир томондан, сайловдан кейин олий давлат органларини ўз вақтида шакллантириш ва муҳим сиёсий-ҳуқуқий қарорларни қабул қилиш учун тегишли замин яратилади. Иккинчи томондан, нуқулай об-ҳаво шароитида фуқароларнинг сайловдаги иштироки камайиб кетиши каби салбий ҳолатларнинг олди олинади. Шу тариқа сайловчилар ва кузатувчилар учун қўлай шароит вужудга келади.

“**Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши тўғрисида умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари асосида сайлов қонунчилиги янада такомиллашди. Бу, биринчидан, сайлов жараёнларининг янада очик ва ошқора ўтиши ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари демократия индексидаги кўрсаткичлари яхшиланишига эришиш имконини оширади. Иккинчидан, янгиланган сайлов қонунчилигини изчил амалга ошириш йўлида сайлов комиссиялари ва аҳолининг сайлов маданиятини юксалтириш, сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, партияларнинг сиёсий фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, “демократик ислохотлар йўли — биз учун яққола ягона ва энг тўғри йўл”.**

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА



КАМ ХАРАЖАТ ВА КАТТА ФОЙДА:

қоракўлчиликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам

Бошланиши 1-бетда

Қарорга мувофиқ, қоракўлчиликда тадбиркорлик ривожига учун имтиёзлар берилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2021 йил 1 мартга қадар қоракўлчилик кластерлари томонидан қўй ва эчкиларни бўрдоқига боқиш комплексларини ташкил этиш мақсадида уларга қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган сугориладиган ерларни фойдаланишга киритиш шарти билан озуқалар етиштириш учун ер майдонлари ажратилишини таъминлашни белгиланди. Бу жуда муҳим, чунки озуқа базасини мустаҳкамлаш — тармоқ ривожини таъминлашнинг асосий шарт. Бунинг учун озуқабоп экинларни етиштириш мақсадида сугориладиган ерлардан фойдаланилади. Бироқ унумдор ва доимий фойдаланишдаги ерлар танқис, уларнинг юқоридаги мақсад учун кластерларга берилиши кўп жиҳатдан ағрар тармоқ фаолиятига путур етказган бўлар эди. Шу боис, қарорда айнан фойдаланилмаётган сугориладиган ерлар ҳақида сўз юритилган. Уларнинг фойдаланишга киритиш шарти билан кластерларга ажратилиши, аввало, ана шу майдонларнинг сув таъминоти яхшиланишига, қолаверса, мавжуд ресурслардан имкон қадар оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Қоракўлчиликка ихтисослашган ҳўжалик юртувчи субъектларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қарорда урғу берилган яна бир муҳим жиҳатдир. Хусусан, **2021 йил 15 февралга қадар** Молия вазирлигининг вақтинча бўш турган маблағлари ҳисобидан 100 миллиард сўм маблағ "Туронбанк" АТБга Марказий банк асосий ставкасида ажратилиши белгиланди. Банк эса, ўз навбатида, ушбу маблағни "Қоракўлчилик" уюшмаси аъзоларига 3 йил муддатгача, шу жумладан, бир йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасига 2 фоиз банк маржасини қўшиш орқали ҳисобланадиган ставка бўйича кредит сифатида тақдим этади.

Шу ўринда савол туғилади. Агар Марказий банк асосий ставкаси 14 фоиз бўлса, унга 2 фоизлик банк маржаси қўйилса, йиллик 16 фоиз ҳисобидан кредит олиш тадбиркорга оғирлик қилмайми? Қарорда бу масаланинг ҳам ечими назарда тутилган. Жумладан, унга кўра, мазкур кредитлар бўйича Президентимизнинг 2020 йил 2 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида белгиланган тартиб асосида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация ажратилади. Яъни компенсация миқдори тижорат банклари томонидан ўрнатилган фоиз ставкасининг 50 фоизи, бироқ 10 фоизлик пунктдан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этади. Бу эса тадбиркорлар учун жуда катта енгилликки, ундан фойдаланиб фаолият қўламини сезиларли даражада кенгайтириш, кредитни қисқа муддатда қайтариш ва максимал даражада фойда олиш мумкин. Олинган кредитни кластерлар наслчилик қоракўлчилик хўжаликларидан қўйлар харид қилиш, қоракўлчилик соҳасида экспорт-боп қоракўл ва қоракўлча терини қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш каби мақсадларга йўналтиради. Шунингдек, бу маблағлар қоракўлчилик субъектлари томонидан озуқа цехлари (гранулятор)ни ташкил этилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари, ресурс тежовчи ускуналар ва замонавий технологиялар харид қилинишини молиялаштириш, сув чиқариш иншоотларини барпо этиш ҳамда мавжудларини таъмирлаш ва модернизация қилишга ҳам сарфланиши мумкин.

Қоракўлчиликка ихтисослашган кластерлар учун қарорда яна бир қатор қўлайликлар тақдим этилган. Жумладан, **2024 йил 1 январга қадар** Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг доимий эгаллигидagi яйловлар ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан мазкур қўмитага ижарага берилган яйловлар учун белгиланган **ер солиғи ставкаси 50 фоиз**

камайтирилади. Яъни қоракўлчилик кластерлари ўзларига ажратилган яйловлар учун белгиланган ер солиғининг фақат ярмини тўлайди, холос. Уч йил мобайнида тежаб қолинган миллионлаб сўм маблағ эса янги зотли қўйларни келтириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчиликни ривожлантириш каби йўналишларга сарфланиши мумкин.



Бу эса яна қўшимча даромад, амалга оширилган янги лойиҳалар демакдир.

Бундан ташқари, қарорга кўра, наслдор қўй ва эчкининг, шу жумладан, қоракўл зотли қўйларнинг хорижий давлатлардан импорт қилинган ҳар бир эмбрионига республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан **400 минг сўм миқдорида субсидия** тақдим этилади. Шуниси эътиборлики, қишлоқ хўжалигида замонавий технологиялар кенг қўлланилаётган бугунги кунда қоракўлчиликда хориждан насли қўйларни олиб келишда ҳам илм-фан тақдим этган янги имкониятлардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Жумладан, катта ёшдаги тирик қўй ёки қўчқорни олиб келгандан кўра, катта ҳажмда зотдор эмбрион олиб кириш самаралроқ бўлади. Бироқ бу ишда ҳам транспорт харажатлари ва бошқа чиқимлар кам эмас. Қарор билан тақдим

этилаётган бу имконият эса шу харажатларнинг ўрнини қоплашга хизмат қилади.

Қарорга мувофиқ, **2021 йил 1 апрелдан бошлаб** "Қоракўлчилик" уюшмаси аъзоларига ўзлари томонидан импорт қилинган қўй бош сонининг **50 фоизидан ошмаган қисмини тирик ва хом гўшт кўринишида экспорт қилишга рухсат**

мамлакатлар биздан бу хомашёни катта ҳажмда сотиб олишга тайёр экани прогноз қилинмоқда.

Қоракўлчилик соҳасида фаолият юритаётган кластерлар учун яна бир муҳим жиҳат шуки, эндиликда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасига буюртмасига, асосан, яйловларда ер ости сув манбаларини аниқлаш ва хулоса беришни бепул амалга оширилишини таъминлайди. Гарчи қоракўл зотли қўйлар дашт ва чўл яйловларида 2-3 кунлаб сувсиз юра олса-да, уларни етарлича сугориш чорва саломатлигини ва ҳаётий фаоллигини таъминлашнинг муҳим омилли ҳисобланади. Бироқ яйловда қудуқ қазиш учун, аввало, ер остида сув бор-йўқлигини аниқ билиш зарур, бунга эса соҳа мутахассислари қўмағисиз амалга ошириб бўлмайди. Қудуқ қазишнинг ўзига анчагина харажат кетишини ҳисобга олсак, қарорда белгиланган чора-тадбирлар соҳа ривожига учун нақадар муҳим экани аён бўлади.

Қоракўлчилик соҳасидаги илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш — қарорда алоҳида урғу берилган яна бир аҳамиятли масала. Шу мақсадда Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти тузилмасида **Марказлашган илмий-наслчилик тажриба лабораториясини** ташкил этиш белгиланган. Унинг асосий вазифалари қаторида соҳада маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш асосида табиий серпуштикча, юқори ҳаётчанлик ва мослашши хусусиятига эга бўлган қўш маҳсулдор янги қўй зотларини яратишнинг лаборатор тажрибаларини ўтказиш белгиланди. Шунингдек, янги тузилма наслдор қоракўл қўйларнинг сифат кўрсаткичлари (вазни, саноатбоп жун, қоракўл териси сатҳи ва гул типини) яхшилаш бўйича тажрибалар ўтказиш ва тавсиялар ишлаб чиқариш. Бундан ташқари, лаборатория томонидан илмий-наслчилик тажриба станцияларида юқори наслдор элита синфига мансуб насли қўйлар отарларини илмий асосда ташкил этиш ва сунъий уруғлантириш ишлари тизимли йўлга қўйилади.

Қўриб турибмики, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарориди қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантиришга доир барча жиҳатлар атрофида ҳисобга олинган. Унинг муваффақиятли ижроси эса нафақат ушбу соҳа, балки бутун агросаноат секторининг натижадорлигига ижобий таъсир этади.

МУНОСАБАТ

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ: ИМКОНИЯТ КЎП, ТАШАББУСЛАР ЕТАРЛИ, НАВБАТ — НАТИЖАГА




Абдуғофур АХМЕДОВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони зиёрат туризмини янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан алоҳида эътиборга молик. Фармонда зиёрат туризмни тараққий эттириш ва унинг истикболлари бўйича қатор муҳим масалалар ўрин олганки, бу соҳанинг аниқ ва тизимли ривожланиш тенденцияларини белгилаб беради.

Жумладан, буюк аллома ва уламоларимиз, айниқса, Имом Бухорийнинг бебаҳо меросини кенг оммалаштириш ҳамда тарғиб қилиш мақсадида индонез, бенгал, малай, турк, араб, ҳинд, урду, пушту каби хорижий тилларда "Имом Бухорий" зиёрат туризми йўлдош телеканалини ташкил этиш, хорижий мамлакатларда унинг мухбирлари фаолият юритишини таъминлаш, ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш масаласи қўйилган.

Албатта, бу ҳозирги кунда жуда муҳим масала. Сабаби, Ўзбекистон тарихий қадамжолари кўпчилиги бўйича дунёдаги етакчи ўнта мамлакатдан биридир. Шунинг учун юртимизда зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича кенг имкониятлар мавжуд. Лекин олдимизда мана шу бой тарихни дунё ҳамжамиятига турли тилларда, турли ракурсда кўрсатиш масаласи турибди. Агар йўлдош телеканал орқали бу бой маданий мерос ва объектларимизни бутун дунёга намойиш этсак, шубҳасиз, сайёҳлар оқимининг кўпайишига асос бўлади.

Яқин кунларда масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда Имом Мотуридид ёдгорлик мажмуасини зиёрат марказига айлантириш ҳамда атрофидagi 8 нафар буюк уламо қабрларини тиклаш ва ободонлаштириш ишлари концепциясини, уни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқамиз. Бу ҳам жуда муҳим масалалардан бири ҳисобланади ҳамда ушбу йўналишдаги ишларни тизимли ва ўз вақтида самарали ташкил этишга хизмат қилади. Ўз навбатида, мотуридид таълимотига эргашувчи миллионлаб инсонларнинг зиёрат марказига айланишига замин яратади.



Самарқанд шаҳрида ислом дини, минтақадаги мавжуд дин намояндалари мероси ва моддий маданий мерос объектларини акс эттирувчи тематик хиёбонни яратиш ташаббуси ҳам юртимизга келган ҳар қандай сайёҳда бой тарихимиз, буюк алломуларимиз ҳақида тугал маълумот олиши учун муҳим маскан бўлади.

Бухоро шаҳрида ислом дини тарихи ва мусулмон оламида машҳур бўлган шахслар тўғрисида маълумот беришчи инновацион музейни қуриш ҳамда уни ривожлантириш масаласи ҳам томи маънода тарих ва бугуннинг уйғунлигини ўзида акс эттирадиган лойиҳа бўлади.

Бугун дунё шиддат билан ривожланипти, ўсиб келаётган ёшларимиз фан-

техниканинг энг сўнгги имкониятларидан фойдаланмоқда ва ушбу тенденция билан ҳамоҳанг яшамоқда. Бу инновацион музей ана шу жиҳатларни ўзида мужасам этиши билан нафақат юртдошларимиз, хорижлик меҳмонлар учун ҳам қизиқарли ва маънавий озуқа оладиган жойга айланишига шубҳа йўқ.

Бизда зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича бошқа мамлакатларда мавжуд бўлмаган кенг имкониятлар бор. Бугун шу имкониятлар эшигини очиш, дунёга тараннум этиш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Айниқса, "Умра+" йўналиши (умра ибодатини амалга ошириш учун Саудия Арабистонига Ўзбекистон орқали сафар

қилиш) юртимизнинг географик жойлашуви ва ислом цивилизацияси тарихидagi ўрни сабабли йирик потенциалга эга лойиҳалардан биридир.

Бу борада Индонезия, Малайзия, Покистон ва Туркиянинг тегишли вазирлик ҳамда идоралари билан жадал ишлар олиб боришмоқда. Коронавирус пандемияси дунё бўйлаб тарқалиб, Саудия Арабистон чегараларини ёлғунга қадар Индонезия ва Малайзиядан илк зиёратчи гуруҳларнинг Бухоро, Самарқанд ва Тошкентдаги тарихий қадамжоларга ташрифлари ташкил этилди. Ушбу зиёратчилар "Умра+" дастурига биноан юртимиздаги 3-4 кунлик зиёратдан сўнг Саудия Арабистонига қўнаб кетиши йўлга қўйилди. Албатта, бу ишлар Саудия Арабистонини умра дастурини тиклагандан кейин давом эттирилади.

Кези келганда айтиш жоизки, гид-мутахассисларимиздан диншунослик, исломшунослик, ислом тарихи, маданияти ва цивилизацияси каби фанлардан билимлар талаб этилади. Гидлар хорижий зиёратчиларнинг қайси давлатдан экани, уларнинг маданияти, эътиқодий қараш, мазаҳи ва тариқатини инобатга олган ҳолда маълумотларни мазмунли етказиш зарур.

Худди шу йўналишда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳам мутахассислар тайёрламоқда. Жумладан, ушбу олий ўқув юртида "Зиёрат туризми" йўналишида талабалар қабули ташкил этилган бўлиб, исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш — ISESCO" ҳамда UNESCO ва жаҳон динларини қўшми ўрганиш кафедралари фаолият юритмоқда. Самарқанд шаҳрида "Ипак

йўли" туризм халқаро университети ҳам бу соҳада малакали кадрлар захирасини етиштирмоқда.

2020 йилда пандемия сабабли зиёрат туризмни ривожлантириш борасида белгиланган қатор чора-тадбирлар амалга ошмай қолди, лекин 2021 йилда бунга кенгроқ қўламада бажариш бўйича ишлар жадал бошланган.

Жумладан, юртимиздаги йирик зиёратгоҳлар, шунингдек, Имом Мотуридид, Имом Бухорий, Имом Насафий, Нақшбандий ва Ясавий каби улуг алломуларнинг бой илмий меросларини дунёга кенг тарғиб қилиш мақсадида тажрибали имом-хатибларимиздан иборат тарғиботи гуруҳи шакллантирилди. Эндиликда ушбу гуруҳ режа асосида Россия, Қозоғистон, Туркия, Малайзия, Индонезия ва Покистон каби давлатларга жўнатилади. Ҳозиргача зиёрат туризми ва алломуларимиз меросини тарғиб қилишга оид бир қанча альбом-проспектлар, илмий асосланган китоблар, рисолалар тайёрланди ҳамда нашр ишлари бошлаб юборилди. Албатта, бу материаллар турли тадбирлар ва кўргазмаларда намойиш этишга мўлжалланган, лекин тарғиботчиларимиз фаолияти учун ҳам муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда ички зиёрат туризмни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Хусусан, ёшларимизни ўз аждодлари ким эканидан тўлиқ хабардор қилиш, танитиш, шонли тарихимизни ўргатиш, буюк болаларимизга муносиб ворис бўлиб воғда етказиш учун минтақавий зиёратгоҳлар дастури доирасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, ҳозирги кунда ишчи гуруҳ томонидан мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига зиёрат туризмига хизмат қилувчи сайёҳлик фирмаларини очиш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Бу каби саъй-ҳаракатлар Президентимиз фармонида кейин янада жонланади ва туризмни ривожлантириш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти бийиб боради.

ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК



Мамлакатимиз раҳбарининг бу галги Мурожаатномаси ўзида бугунги мураккаб геосиёсий жараёнлар, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон очик ва прагматик ташқи сиёсатни фаол олиб бораётганлиги, халқаро майдондаги қатъий саяё-ҳаракатларимиз натижасида юртимизнинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалаётганини ифода эта олгани билан юксак аҳамиятга эгадир.

Зеро, бугунги кунда жаҳон миқёсида Ўзбекистон инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш ва демократияни асосий мақсади деб билган давлат сифатида танилаётгани барчамизга қувонч ва ғурур бағишлайди. Шу ўринда айтиш жоизки, дунё ҳамжамиятига кенг қўламли кириб боришимиз, албатта, ташқи сиёсий фаолигимиз билан чамбарчас боғлиқ. Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 10 февралда “Халқлар дўстлиги” кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг имзоланиши эса ташқи сиёсатимизда халқ дипломатиясига ҳам устувор аҳамият қаратилаётганидан далолатдир. Бу борадаги муҳим омиллар ҳақида Тошкент давлат шарқ-шунослик университети хузуридаги “Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш” илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори, доцент Дурбек САЙФУЛЛАЕВ билан суҳбатлашдик.

— Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида ташқи сиёсатимизни амалга ошириш борасидаги устувор вазифаларни бирма-бир тилга олиб, аниқ кўрсатиб берди. Бу борада янги босқичга кўтарилаётган Халқ дипломатиясининг ўрни хусусида гаплашсак...

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатини амалга оширишда дипломатиянинг аънанавий йўналишлари билан бир қаторда, халқ дипломатияси ва маданий дипломатияга ҳам устувор аҳамият қаратилмоқда. Зеро, халқ дипломатиясига халқаро ҳамжамият томонидан катта қизиқиш билдириляпти. Унинг асосида чет элдаги ватандошларимиз билан мунтазам ва ўзаро фойдали муносабатлар йўлга қўйилиб, хорижий мамлакатлар билан дўстона, маданий-маърифий алоқалар мустаҳкамланмоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда яшаб келаётган барча миллат ва этник диаспораларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, миллий аънава ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш принциплари асосан, Республика байналмилал маданият маркази, 138 та миллий маданий марказ, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, 36 та дўстлик жамияти фаолияти йўлга қўйилди.

— Шу ўринда бир савол туғилади. Президентимизнинг 2017 йил 19 майда эълон қилинган “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИ — ТАШҚИ СИЁСАТИМИЗНИНГ ЎЗИГА ХОС ИФОДАСИ

мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг ижроси бўйича қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Мазкур фармонда белгиланган вазифалар ривожланишининг янги босқичида турли миллатлар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга, ватандошларимизда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга йўналтирилган давлат сиёсатини босқичма-босқич рўёбга чиқариши кўзда тутилган. Бугун ана шу мақсадлар сари бўлаётган саяё-ҳаракатлар натижасини хорижий мамлакатлар билан алоқаларимизнинг кенг қўламлилик касб эта бошлаганида кўрялмиш. Шунингдек, фармонга қўра, Республика байналмилал маданият маркази ва Дўстлик жамиятлари маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилган.

Зеро, қўмита зиммасига жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар сиёсатни, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида эришилган ютуқ ва муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш, халқаро ҳамжамият, шу жумладан, чет элдаги ҳамюртларимиз диаспораси билан дўстликни мустаҳкамлашга доир давлат сиёсатини изчил амалга ошириш вазифаси юкланган.



Фармонда хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни, чет элдаги ҳамюртларимиз ва турдош ташкилотлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш вазифалари белгиланди. Қўмита мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий мамлакатлар ташкилотлари ва дипломатик ваколатхоналари, хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган турдош муассасалар билан самимий ва ўзаро ҳурматга асосланган алоқалар ўрнатиш ҳамда уларни изчил ривожлантиришга қаратилган ишларни тизимли амалга ошириб келяпти. Улар халқаро ҳамжамиятда республиканинг нуфузи ва макрими янада юксалтириш, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида эришилган ютуқларни кенг жамоатчиликка етказишга қаратилляпти. Бу ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти, маънавий қадрият ва аънавалари, шу заминда туғилиб ўсган буюк олим ва маданият қадриятларининг илмий мероси, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини кенг намоиш этиш бўйича тадбирлар ўтказиш орқали амалга оширилмоқда. Қўмита ўзбек халқининг мамлакатимиз ташқарисидаги тарихий ва маданий мерос объектларини асраб-авайлашни таъминлаш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратляпти.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида сўзлаган нутқида илгари сурган бир қатор муҳим ташаббуслар ичида 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусида халқаро форумни ўтказиш тўғрисидаги таклифи бошқа ташаббуслар қатори алоҳида аҳамиятга эга.



— Маълумки, 2018 йилнинг 26 июнида Президентимизнинг “Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан халқ дипломатиясини ривожлантириш борасида халқаро ташкилотлар, айнан ШХТ доирасида яна қандай ишлар қилинмоқда? Мутахассис фикрида бу борадаги сифатига бу борадаги фикрингизни билишни истардик.

— 2017 йилдан бошланган тараққиётнинг янги босқичи халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, ШХТ доирасидаги халқ дипломатиясининг ривожланишига ҳамда юқори поғонага олиб чиқишига ҳам ижобий таъсир этди. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 9 июнда Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтган, ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси томонидан ташкилотга аъзо давлатлар халқ дипломатияси механизмларида ҳар томонлама фойдаланиши ҳақидаги ташаббус ва таклифлари қабул қилинди ҳамда Ўзбекистонда ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилди. Бунга ҳуқуқий асос сифатида давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2018 йил Циндао шаҳрида бўлиб ўтган ШХТнинг навбатдаги саммитида энг юқори даражадаги расмий тадбирлар билан бир қаторда ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида



турли даражадаги ҳамкорлик қилиш тадбирлари қаторига “Халқ дипломатияси” элементини қўшиш тўғрисида келишиб олинди.

Шунингдек, Президентимиз 2019 йил 13-14 июнь кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн тўққизинчи мажлисида сўзлаган нутқида илгари сурган яна бир муҳим концептуал ташаббус ШХТ доирасида гуманитар ҳамкорлик масаласи бўлди. Сайёҳлик ва маданият соҳаларида туризм-туман серқамров дастурларни амалга ошириш, “Халқ дипломатияси” имкониятларидан янада кенг фойдаланиш ҳам ана шулар жумласига киради. Айнан мазкур мажлисда Ўзбекистон Президенти яна бир яхши аънамага асос солиш таклифи билан чиқди. Бу — ҳар йили ташкилотда раислик қилувчи мамлакатдаги шаҳарлардан биринчи “ШХТнинг сайёҳлик ва маданият пойтахти” деб эълон қилиш ташаббуси. Президентимиз таъбири билан айтганда, “ШХТ шаҳар ва минтақаларининг тарихий-маданий меросини оммалаштириш ва туристик салоҳиятини янада тўлиқ намоён этиш муҳим”.

— Бугун маданий дипломатик фаолият ташқи сиёсатнинг

энг муҳим таркибий қисми эканини шиддат билан ривожланаётган даврнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу маънода, халқ дипломатияси билан бир пайтда маданий дипломатияни ҳам тараққий эттириш нечоғлиқ аҳамиятга эга?

— Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти аввало, жаҳон мамлакатлари билан олиб борадиган дўстона муносабатларининг динамика кўрсаткичига боғлиқ. Шунингдек, бугунги глобаллашув шароитида халқаро муносабатлар тизимининг тобора мураккаблашиб бориши билан характерланган жараёнларда миллий манфаатларни таъминлаш, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсини ошириш масалалари ҳар доим долзарблигини сақлаб қолаверади. Дунё миқёсида давлатларнинг ривожланганлик даражаси бугунги кунда уларнинг нафақат саноат ёки экспорт салоҳияти юқорилиги билан, балки, бой маданиятини жаҳонга кўрсата билиш ва ташқи сиёсатининг энг муҳим бир бўлаги сифатида маданий дипломатик фаолиятни самарали ташкил қила олиши билан ҳам белги-ланаётганлиги намоён бўлмоқда.

Айни пайтда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг ўрни, позицияси ва обрўсини тобора мустаҳкамлаб бораётган Ўзбекистон учун дипломатиянинг ушбу тури ташқи сиёсатнинг энг устувор йўналиш ва усулларида бирига айланди. Турли давлатлар билан, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасида икки ва кўптомонлама маданий дипломатияни жадал ва сермазмун тарзда олиб бораётгани, дунё маданий ҳаётининг бир қисми сифатида халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи тобора ортиб бораётганлиги, мамлакат раҳбарияти томонидан ушбу соҳага ўта долзарб масала сифатида қаралаётганлиги алоҳида қайд этиш лозим. Бошқа соҳалар каби мамлакатимиз маданий дипломатиясида ҳам Марказий Осиёга бош устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Бугунги кунда минтақа давлатлари билан тўхтаб қолган маданий алоқалар қайта тикланди. Юртимизда ўтказилаётган йирик маданий тадбирларда, жумладан, “Шарқ тароналари”, “Бахшичилик санъати”, “Хўнарамдчилик фестивали”, “Мақом санъати анжумани” каби қатор фестивалларда қўшни давлатлар фаол иштирок этиб келмоқда. Минтақа давлатларининг деярли барчасида Ўзбекистон маданияти кўнлари, мамлакатимизда эса минтақа давлатларининг маданият кўнлари ўтказилмоқда.

Яна шунинг таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида сўзлаган нутқида илгари сурган бир қатор муҳим ташаббуслар ичида 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусида халқаро форумни ўтказиш тўғрисидаги таклифи бошқа ташаббуслар қатори алоҳида аҳамиятга эга. Марказий Осиё бўйича йирик халқаро маданий тадбирни ўтказиш минтақа давлатлари ўртасида яхши қўшничилик алоқаларини янада ривожлантиришга, Марказий Осиёда амалга оширилаётган маданий-тарихий меросни тиклаш ва оммалаштириш бўйича чора-тадбирларга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини жалб этишга имконият яратиш билан бир қаторда, ЮНЕСКО ва минтақа давлатлари ўртасидаги маданий дипломатия тараққиётига ҳам хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон маданий дипломатиясининг яна бир муҳим йўналиши бу — икки томонлама маданий ҳамкорлик. Маълумки, сўнгги тўрт йилда мамлакатимиз жаҳоннинг нуфузли мамлакатлари, жумладан, Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия,



Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амириклари ва бошқа давлатлар билан ўзаро маданий алоқалари ривожланиб бормоқда. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама маданий ҳамкорлик мамлакатимиз маданий дипломатиясининг устувор йўналишларидадир. Бунини бўлиб сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ШХТ, МДҲ, ЮНЕСКО, АЙСЕКО, ТУРКСОЙ каби халқаро ташкилотлардаги иштирокини сезиларли равишда фаоллашганида қўришимиз мумкин.

Яна шунинг таъкидлаш жоизки, 2019 йилнинг 30 ноябрь кунини Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ доимий кенгашининг 37-мажлисида 2020 йилда “Хива шаҳри — турк дунёсининг маданий пойтахти” деб эълон қилиниши ҳамда 2019 йилнинг декабрида Тунис давлатида Ислом ҳамкорлик ташкилоти АЙСЕКО маданият вазирларининг 11 Исломий конференциясида 2020 йил “Бухоро — Ислом олами маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши ҳамда 2021 йилдан ўзбекистонлик ёш дирижёр Азиз Шоҳамомовнинг дунёга маълум ва машҳур бўлган Страсбург филармоник оркестрининг мусикий ва бадий раҳбари лавозимига тайинланиши бемалол янги Ўзбекистон маданий дипломатиясининг катта ютуғи сифатида эътироф этиш мумкин.

— Мамлакатимизнинг ЮНЕСКО билан маданий ҳамкорлиги тарихи ва бугунги кундаги ҳолати ҳақида ҳам фикрингизни билмоқчи эдик...

— Мамлакатимизнинг халқаро майдонда юксак обрў ва нуфузга эга бўлган ушбу халқаро ташкилот билан муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси



ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлган бўлса, 1997 йилда ташкилотга аъзо мамлакатлар томонидан бошқарув органи — Ижроия кенгашига сайланган. 1998 йил 6-7 ноябрь кўнлари Ўзбекистонда ЮНЕСКО Ижроия Қўмитасининг 155 мажлисида қабул қилинган “Аъзо мамлакатларда ЮНЕСКОнинг фаолияти ва маданияти” Тошкент декларациясида тарихи, фанга, дунё халқлари маданиятига ҳисса қўшган аждодларимизнинг

сана ва юбилейлари нишонланиши кўзда тутилди.

Утган давр мубайнида ЮНЕСКО ҳомилигида буюк аждодларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Камолиддин Беҳзод ва дунёга машҳур шаҳарлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон, шунингдек, адабиётимизнинг бебаҳо дурдоналари Алломиш, Авесто, Хоразмнинг Маъмур академияси юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Тарихий шаҳарлар Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро ва Хиванинг тарихий-маданий иншоотлари ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилди. Бу эса ушбу шаҳарлардаги маданий мерос объектларининг бутунжаҳон инсоният мулки мақомига эга бўлганлигини аниқлатади.

2001 йилда ЮНЕСКО қарорига биноан Бухоро “Тинчлик шаҳри” деб эълон қилинган. Шунингдек, номоддий маданий меросни ҳимоя қилиш халқаро конвенцияси доирасида ЮНЕСКОнинг репрезентатив рўйхатига мамлакатимизнинг Наврўз, Бойсун маданий макони, Шашмақом, Катта ашула, Аския, Ўзбек палови, атлас ва адрас тўқиш технологияси, Хоразм рақс санъати киритилган. Шунингдек, ЮНЕСКО раҳбарлигида ва ҳамкорлигида Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700 йиллик, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейлари тантанали нишонланган.

ЮНЕСКО кўмағида мамлакатимизда “Шарқ тароналари”, бахшичилик санъати, хўнарамдчилик фестиваллари, Мақом санъати анжумани каби қатор йирик халқаро тадбирлар ташкил этилаётганлиги ҳам Ўзбекистоннинг халқаро ташкилот билан муносабатларини янада ривожлантиришининг асоси бўлиб хизмат қилади. Ўзаро мустаҳкамлашиб, ривожланиб бораётган муносабатлар, фан ва таълим, маданият ва санъат, моддий ва номоддий маданият намуналарини асраб-авайлаш ва келажақ авлодга етказиш ҳақида сўз кетганда, шунинг ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, икки томонлама ўзаро ташрифлар ва учрашувлар ҳамкорлики тобора мустаҳкамлаб бормоқда. 2018 йилнинг 8 октябрида Президентимизнинг Францияга расмий ташрифи буюриши ва Париж шаҳридаги ЮНЕСКО бош қароргоҳида ушбу ташкилот Бош директори Одри Азуле билан учрашуви Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатиясида ЮНЕСКО билан ҳамкорлик, шунингдек, ташкилот учун ҳам, мамлакатимизнинг ўрни ва аҳамияти учун ҳам нечоғли зарурат эканлигини аниқлатади. Бўлиб ўтган барча олий даражадаги учрашувларда Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида 2018-2021 йилларга мўлжалланган қўша Ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Бу ҳужжат муносабатларни янги босқичга кўтариш, томонлар олдига турган вазифаларни биргаликда инновациялар орқали ҳал этиш ва барча йўналишларда ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан ўта муҳим стратегик аҳамият касб этади.

2019 йилнинг 26 августида Президентимиз Самарқандда ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле билан учрашувда Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги конструктив мулоқот изчил ривожланиб, шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлар экан, бу ҳамкорлик бутун инсоният бойлиги бўлган маданий тарихий меросни асраб-авайлаш борасидаги юксак сиёсат эканлигини эътироф этди.

БМТ Бош Ассамблеясида 2021 йил Хива шаҳрида “Марказий Осиё цивилизациялар чорраҳасида” номли халқаро форумни айнаан ЮНЕСКО ҳамкорлигида ўтказиш ташаббуси билан қилиши эса нафақат юртдошларимизни, балки дунёнинг қўллаб-қувватлаши, сиёсатшунос, маданиятшунос олимлари, экспертлари ва кенг жамоатчилик вакиллари томонидан самимий кутиб олинди. ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле ҳам мазкур ташаббусга ўз фикрини билдириб, ЮНЕСКО Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё бўйича халқаро форум ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлаши ва, албатта, бу пойтахтининг амалга ошишида кўмак беришга тайёр эканлигини билдирди. Унинг фикрига қўра, режалаштирилаётган бу форум ҳам Марказий Осиёнинг минтақа ва бутун дунё тарихий тараққиётининг шаклланишида муҳим ўрин тутган бой маданияти ва қўша тарихий меросига саяҳат қилишга яна бир яхши имконият бўлади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Муножат МҲМИНОВА
суҳбатлашди.

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

БУГУНГИ ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИ КЕЧАГИ ЭМАС

ёхуд рўёга айланаётган тасаввурлар



Муножат РАХИМЖОН қизи, "Янги Ўзбекистон" мухбири

— Бундан 20 йиллар аввалги келажак мактаблари ҳақидаги тасаввурларимнинг деярли барчаси ҳозир кўз ўнгимда рўёга айланапти, — дея бугунги замонавий мактаблар ҳақида андижонлик кимё-биология фанлари ўқитувчиси Қўчқор ака Ортиқов ўз ўқувчиларига сўзлашдан толмайди. — Масалан, ҳам вақтни, ҳам қозони тежашга йўналтирилган замонавий технологиялар, компьютерлар ёрдамида тестларни электрон ечиш йўлга қўйилди. Мактабларимизда кузатув камералари бўлишини орзу қилар эдим. Бугун мана шундай камералар ўрнатилмаган таълим даргоҳи бўлмаса керак.

Энг ачинарлиси, кимё фанидан лаборатория ишлари ўтказиш, қизиқ тажрибаларни ўқувчилар кўз ўнгига кўрсатиб беришга шароит йўқ эди. Зеро, ҳар қандай назария амалиёт билангина хотирага мустаҳкам муҳрланади. Мана, фан олимпиадаларида эришган натижаларимиз эвазига туманда биринчи бўлиб бизнинг мактабни жиҳозлаб беришди. Сизлар замонавий кимё хонасида билим оляпсизлар.

Биринчи ўринда натижадорлик

"Ил ўқитувчиси" қўриқ-танловининг бир неча бор туман, вилоят босқичи ғолиби бўлган Қўчқор Ортиқов кимё-биология қизиқчи бор болани кашф қилиб олса бас, уни даров шогирдлари қаторига қўшади. Ҳар қандай иқтидорли ўқувчининг отанаси билан тушунтириш ишларини эринмай олиб боради. 2018 йилда "Мураккаб масалаларни ечиш ва уларнинг усуллари" мавзусидаги туман семинарида битта масалани 4-5 та усул билан ечиб, касбдошлари, туман халқ таълими бўлими мудири

Нодира Абдураззоқова чексиз хурматини қозongan Қўчқор ака қандай ишга қўл урмасин, унинг натижадорлиги, самараси ҳақида пухта ўйлайди. Яқин келажакда хусусий мактаб, ўқув маркази очиш режаси ҳам унинг узоқ ва пухта ўйланган ғоялари натижаси. 22 йил аввал олийгоҳларга киритиш борасида ўзи ўқиган мактаб рейтингини кўтаришга аҳд қилган. Қўчқор акада бу борада имконият ҳам, салоҳият ҳам бор. Зеро, водийда энг машҳур бўлган "Водил", "Водий зиё" каби ўқув марказларида алмашилган тажрибалар, қорақўлча ўқитишга интилиш, мнемоникадан самарали фойдаланиш ўқитувчининг бошқалардан фарқи жиҳатларидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда қўшни қишлоқликлар ҳам Қўчқор аканинг меҳнатлари самарасини эшитиб, фарзандларини чуқур билим олсин, дея етаклаб кела бошлади. Айни пайтда мактаб дарсларидан сўнг 100 дан зиёд ўғил-қиз ундан кимё, биологиядан қўшимча таълим олмоқда. Утган йилги мураккаб ва-зиятда ҳам жонкуяр устоз тайёрлаган 20 нафар абитуриентнинг 17 нафари талабалик бахтига муяссар бўлди.

Кимё — мўъжизакор фан

Бугун аксарият ёшлар кимё фанини ғоят қийин кўриб, уни математика билан тенглаштиради. Хўш, уларни фанга қизиқтириш учун нималар қилиш мумкин?

— Мен доимо кимёга эндигина қадам қўяётган ўқувчиларни чинакамга "Мўъжизалар олами"га олиб киришга ҳаракат қиламан. Энг қизиқарли кимёвий тажрибаларни цирқда сеҳргар мўъжиза кўрсатганидек кўрсатиб бераманки, болалар ҳайратга тушиб, кимё тўғрисида қатнашиш истагини билдириб қолади. Бундан ташқари, уларни ёзги таътилда, албатта, корхоналарга олиб боришимни айтаман. Чунки болаларга ишлаб чиқариш жараёни жуда қизиқ туюлади, — дейди Қўчқор ака.

Мактабда кимё фанига меҳри тушиб қолган ўқувчилар Қўчқор акага росмана шогирд бўлиш учун унинг этагидан маҳкам тутишга ҳаракат қилади. Аксариятининг ота-онаси ўғли ёки қизини оппоқ халат кийган врач сифатида тасаввур қилаётгани ҳам аниқ.

Уйдаги ободонлик, боғдорчиликни мактаб ҳовлисида ҳам кўришни жуда-жуда орзу қилган Қўчқор ака унинг бир ёнида "Ёшлар боғи", бир томонда "Фахрийлар боғи"ни ташкил қилиб, ўқувчилар ёрдамида уларнинг парваришини ўз зиммасига олгани ҳам унинг фидойилигидан далolat. Бугун бу ердаги хурмозор, олмасор, кичик лимонария ёшларни боғдорчиликка, дарахтларга муҳаббатли қилиб ўстиришга хизмат қилляпти. Мактаб директори Бахтиёр ака Омонбоев билан боғланганимизда, устознинг ёш авлодни тарбиялашдаги бу каби жиҳатларини ҳурмат билан тилга олди. Қўчқор аканинг машаққатли меҳнатлари эвазига у ўғлининг барчаси тиббиёт олийгоҳида ўқиётганини айтар экан, "Бир оиладан икки-уч нафар олий маълумотли етишиб чиқаверса, тасаввур қилпасими...", — деди у фахрланиб. Шунингдек, ўғиллари яқин келажакда шу қишлоқда хусусий шифохоналар очишдек эзгу ният қилаётганини ҳам қувонч билан таъкидлайди.

Қўчқор аканинг фикрича, олий маълумотли бўлиш инсоннинг турмуш тарзини белгилайди. Шу маънода, у олий маълумотлилар сафини кенгайтиришга бор кучини сарфляпти. Кечани кеча, кундузни кундуз демайди. Билими бор, аммо эътибордан четда қолган ёшлар ҳақида ота-оналар билан кўлдан-кўл бахслар қилади, тушунтириш ишларини олиб боради. Унинг саъй-ҳаракатлари билан ўзи орзу қилганидек, қадрдон мактаби битирувчиларини олийгоҳларга киритиш бўйича Қўрғонтепа туманида 2-ўринга чиқиб олди.

Шогирдларига ҳар доим фидойи бўлишлар, чинакам фидойилар чарчамайди, дейди. Илм, эзгулик йўлида борингизни сарф этсангиз-да, Яратганнинг ўзи сизга баракка ёғдиради, дея уқтиради. Унинг ҳар бир маслаги, ўғилларини қалбига жо элтаётган йигит-қизлар эса олийгоҳда ўқишдек бахтга мушарраф бўлмоқда.

ТАҲЛИЛ

Ҳозирги замонда интеллектуал ва маънавий етук, ташаббускор ёшлар барқарор тараққиётнинг драйверига айланмоқда. Айни вақтда Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортигини кучли ва шижоатли ёшлар ташкил этади. Шу сабабдан ҳам ёшлар сиёсати давлат тараққиётининг узлуксизлигини таъминлашга қаратилган мамлакатимиз стратегия ва дастурларида алоҳида аҳамиятга эга.

Ёшлар ҳуқуқлари бўйича ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

жаҳондаги йигит-қизлар тақдири ва уларнинг манфаатини кўзлайди

Наргиза ҚОДИРОВА, Шаҳло САФАРОВА, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси ўқитувчилари

2017–2020 йилларда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уйғун ривожлантиришга, ҳар бир навқирон инсон жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида қатор қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 5 та қонун ва 50 га яқин қонуности ҳужжатлари амалга киритилди.

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да ҳам бутун халқимиз, айниқса, эртанги кунимиз эгаси бўлган йигит-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган, ортага қайтмайдиган ислохотлар изчи давом эттирилиши баён этилди.

Бу соҳада Ўзбекистоннинг бутун жаҳон ёшларининг ҳуқуқ-манфаатларини кўзлаб илгари сураётган ташаббуслари эса алоҳида аҳамиятга молик десак, муболага бўлмайди. Президентимиз 2020 йил 23 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида нутқ сўзлаб, БМТнинг "Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини яна бир бор илгари сурди. Ушбу ташаббус ҳар бир давлат ёшлар тақдири ва уларнинг порлоқ келажакли борасида масъулиятни ўз зиммасига олиши кераклигини назарда тутайди.

Шуни таъкидлаш керакики, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунда фарзандларимизга замонавий таълим олиш, уй-жой харид қилиш ва қуриш, оила қуриш учун имтиёзли кредитлар олишда катта имкониятлар, тизимли ижтимоий қафолатларни тақдим этмоқда.

Ёшлар камолотида таълим ва тарбиянинг ўрни кеёис. Бунда таълим тизимини такомиллаштириш, уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, боғча тарбияланувчилари, ўқувчи ва талабаларда замонавий билим ва кўникмаларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги тўрт йилда мамлакатда ёшлар таълимига берилётган алоҳида эътибор туфайли унинг барча босқичларида катта ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш даражаси 38 фоиздан 52 фоизга ва ёшларни олий таълим муассасаларига қамрови 9 фоиздан 25 фоизга етказилди. Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари тuzилди, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ёшлар масалалари бўйича идора-ларро кенгаш ташкил этилди. Ҳозирги вақтда "Ўзбекистон ёшлари — 2025" концепцияси ишлаб чиқилмоқда, келажак ворислари билан ишлаш самарадорлигини баҳолашнинг ягона мезонлари, бу

борада олиб борилаётган сиёсатни баҳолашнинг миллий индекси жорий этилмоқда.

Бугунги кунда инсоният дуч келаётган қўллаб масалалар, тинчлик ва хавфсизликка таҳдидлар, терроризм ва экстремизм, ирқчилик, иқлим ўзгаришлари, шунингдек, COVID-19 пандемияси — ўзаро келишилган глобал ҳамкорлики ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш жараёнларига ёшларни фаол жалб қилишни талаб этмоқда. Шу муносабат билан Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

болалар ва ўсмирлар турли шакллардаги камситишларга кўпроқ дуч келяпти. Айниқса, таълим олиш, мақбул иш топиш, ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқариш борасида асрий муаммоларга дуч келаётгани ҳам бор гап.

Конвенция лойиҳасида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган аҳоли қатламини ёшлар сифатида эътироф этиш кўрсатилган. Чунки 18 ёшгача бўлган аҳолининг ҳуқуқлари алоҳида ҳужжатда белгилаб қўйилган.



18 ёшгача бўлганлар, қариялар, аёллар, ногиронлар ҳуқуқларини ифода этувчи халқаро ҳужжатлар бор. Аммо аҳолининг энг тез ўсиб бораётган, энг катта қисмини ташкил қилаётган қатлам — ёшлар ҳақида халқаро ҳужжат йўқ. Ўзбекистон ташаббуси, биринчи навбатда, мана шу эътиҳдан келиб чиқилди.

Шу ўринда айнан кимларни ёшлар деб ҳисоблаш керак, деган ўринли савол туғилади. Аслида худди шу масала конвенция лойиҳасини ишлаб чиқишда пайдо бўлган энг катта муаммодир. Ҳозирги кунда турли халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ёшлар учун турлича ёш оралиғи белгиланганини кузатиш мумкин. Жумладан, БМТнинг Бутунжаҳон ҳаракатлар дастурига кўра, 15-24 ёш оралиғидаги инсонлар ёшларни ташкил этади. БМТ Хавфсизлик кенгашининг Ёшлар, тинчлик ва хавфсизлик тўғрисидаги 2250-резолюциясида ёшлик доираси 18-29 ёш этиб белгиланган. Африка ёшлар хартиясига биноан эса бу кўрсаткич 15-35 ёш оралиғидан иборат.

Ёшлар ҳуқуқлари деганда, уларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тушунамиз. Бу ҳуқуқ ва эркинликлардан ҳар бир инсон фойдаланиши зарур бўлгани ҳолда, айримларга ёши нуқтаи назаридан бу борада чекловлар қўйилади. Бундай ҳолатлар эса ўсиб келаётган авлодга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси 18 ёшгача бўлган шахсларни ўз таъсир доираси ва ҳимоясига олади. Аммо

Дунё ёшларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бир тизимга солиш, ҳуқуқларни яхлит тарзда ифодалаш учун ҳам бу конвенцияга зарурат бор. Ушбу ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнига дунёнинг 2 миллиардга яқин ёшларини жалб қилиш, уларнинг ҳам миллий, ҳам минтақавий, ҳам халқаро даражадаги фаоллигини таъминлаш, ёшлар сиёсати масаласида давлатларнинг масъулиятини ошириш лозим. Шу боис, ташкил этилган ишчи гуруҳга давлат органлари, ёшлар ташкилотлари вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари жалб қилинди. Конвенция лойиҳасининг бир қатор нуфузли муассасаларда муҳокама қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимиз БМТ Бош котиби илгари сурган "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллиги: келажакка нигоҳ" мавзусида туркум глобал мунозаралар ўтказиш ташаббуси доирасида 2020 йил давомида миллий ва халқаро ҳамкорларимиз билан учта глобал онлайн мунозара-тадбирлар циклига қўшилди. Мазкур мунозараларнинг учинчиси 2020 йил 12-13 августдаги "Ёшлар — 2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари" мавзусидаги Самарқанд веб-форумида махсус резолюция қабул қилинди.

Қўридаги тадбирлар ва амалий саъй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг БМТ доирасидаги халқаро муҳим ташаббусларнинг ижодкорига айланиб бораётганидан далolat беради.



Мухтасархон ЭРҒАШЕВА, Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими

2020 йилнинг март ойи мамлакатимиз шифокорлари учун синовли дамларни бошлаб берди. Коронавирус балоси қисқа фурсатда минглаб юртдошларимиз ҳаётига хавф сола бошлади. Бундай паллада, биринчи нажоткор — шифокорлар масъулияти бир неча баробар ортди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, пандемияга қарши кураш марказида турган тиббиёт ходимларининг ҳаёти ҳам дахлсиз эмасди.

Бир томони Андижон шаҳрига туташ, иккинчи томони Улуг'нор туманининг қўриқ қишлоқларигача қўзилган Балиқчи тумани ҳудудида истиқомат қилувчи салкам 200 минг нафар аҳолининг саломатлиги, вирусга чалинишининг олдини олиш масаласи шифокорларимизнинг асосий мақсадига айланди.

Бугун мамнуният билан айта оламизки, ўша кунлари давлатимиз раҳбари, республика махсус комиссияси ҳамда вилоят, ту-

ман ҳокимлиги масъулларининг кўрсатмалари, амалий ёрдами билан барча зарур тадбирлар йўлга қўйилди. Туман тиббиёт бирлашмасининг 2379 нафар шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари оёққа турди. Битта марказий кўп тармоқли ва битта ҳудудий поликлиника, 8 та бўлим, 6 та оилавий поликлиника, 8 та оилавий шифокорлик пунктида коронавирусга қарши кураш борасида етарли тарғибот, профилактика ва тушунтириш ишлари олиб борилди.



Биринчи навбатда, кексалар, сурункали касали бор фуқаролар соғлиғи назоратга олинди. Уларни яққалаш, кўпчилик билан ўзаро муносабатлардан тийилиш хусусидаги амалий чора-

лар яхши самара берди. Бунда бизга, албатта, тумандаги 66 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, ёшлардан иборат кўнгиллилар гуруҳлари яқиндан ёрдам берди. Шу тариқа

ТАЛАБ ВА МАСЪУЛИЯТ ФИДОКОРЛИККА, МАТОНАТГА ДАЪВАТ ЭТАДИ

туманда коронавирусга қарши кураш тадбирлари самарали ташкил этилди ва унинг оқибатлари энгилроқ ўтди. Буни балиқчиликларга хос ҳамжиҳатликнинг ифодаси дейиш ҳам мумкин.

Янада қувончлиси шуки, бизнинг ана шу камтарона меҳнатимиз давлатимиз раҳбарининг эътиборига тушди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан коронавирус пандемиясига қарши курашда фидойилик кўрсатган тиббиёт соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига асосан, мен "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" фахрий унвони билан тақдирландим. Ушбу мукофот ҳақли равишда балиқчилик тиббиёт ходимлари, ўз касбининг фидойиларига берилган юксак баҳоидир.

Яна бир гап. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида

2021 йилни "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилиниши бизни ғоят мамун этади. Демак, соғлиқни сақлаш борасидаги ислохотлар изчи давом этади.

Санитария-эпидемиология хизмати сифатини ошириш, она ва бола соғлиғига эътиборни кучайтириш, хусусан, 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларни 7 турдаги витаминлар, шунингдек, йод, темир, фоллий кислотаси ва паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлиқни 25 фоизга камайтириш, тиббиётнинг бирламчи бўлигини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, "қишлоқ шифокори" дастури доирасида олис ҳудудларда иш бошлайдиган мингдан ортиқ врачга 30 миллион сўмдан ёрдам пули бериш каби тадбирлар айни шифокорлар дилидаги гап бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, 2021 йил биз шифокорлар учун ўзига хос тараққиёт босқичи бўлади. Тизимга қўйилган талаб, масъулият барчамизни фидокорлик ва матонат билан меҳнат қилишга даъват этади. Бунинг учун барча шароитларимиз бор. Қолаверса, бунёдкор ва матонатли халқимизга хизмат қилиш биз учун катта шарафдир.

14 ФЕВРАЛЬ — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

БОЙ МЕРОСНИНГ ЮКСАК АҲАМИЯТИ

Муборак УСМОНОВА,
Миллий гвардия Ҳарбий-техник
институты профессори,

Муқаддас АҲМЕДОВА,
Миллий гвардия Ҳарбий-техник
институты доценти

Жаҳон тарихининг
ижтимоий-сиёсий,
илмий соҳаларида
салмоқли ўрин
тутган Заҳириддин
Муҳаммад Бобурнинг
бой меросини
ўрганар эканмиз,
унинг асарларида
адабиёт, санъат,
география, тарих,
музыка, ўлкашунослик,
этнография,
минералогия
каби ўнлаб фан
йўналишлари билан
бир қаторда сиёсат
ва ҳуқуқ фанларига
оид кўплаб гоյлар
борлигини кўраимиз.

йитди. У, хусусан, Афғонистон ва Ҳиндистон каби ижтимоий-иқтисодий таназулгга юз тутган, феодал тарқоқлик ҳолатидаги мамлакатларни бирлаштириб, бобоси Амир Темур каби адолатли қонун-қоида ўрнатди. Унинг дунёқарашида адолат тушунчаси одамлар ўртасидаги муайян алоқа ва муносабатларни билдиради. Улар қандайдир қотиб қолган тушунча бўлмай, одамларнинг ижтимоий турмуши билан боғлиқ, муайян даражада аниқ воқеалик билан боғланган. Бобур адолат ҳақидаги қарашларини ислом дини, шариат қоидаларига мос тарзда баён этишга ҳаракат қилди. Унинг таъкидлашича, шариатга амал қилиш адолатнинг муҳим белгиларидан биридир.

Бундан ташқари, Бобур қарашларида адолат сиёсий тушунча сифатида ҳам талқин қилинади. Унинг нуқтаи назарича, бу мамлакатни бошқаришнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилиши керак. У сиёсий адолатни

БОБУРНИНГ БЕТАКРОР БОҒЛАРИ



Одилжон ИБРОҲИМОВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари
доктори, профессор

Қадимдан ота-боболаримиз зироатчилик билан шугулланиб келган. Марказий Осиёда бугдой, арпа, ловия, нўхат, ясмик, мош, сабзи, бодом, олма, нок, шафтоли, ўрик, анор, зигир ва бошқа маҳсулотлар етиштирилгани ҳақидаги ҳикоятлар тарихнинг олис қатларига бориб тақалади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур замонида ҳам қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил олиш борасида катта ишлар амалга оширилган. Тарихий манбаларда ва тадқиқотларда ёзилишича, буюк бобомиз табиат илмининг катта билимдон, табиатшунос аллома сифатида юзлаб гиеҳ ва дарахтлар, уларнинг хосияти, шифобахшлик жиҳатларидан жуда яхши хабардор бўлган.

Илму фанда ўсимликлар интродукцияси, деган атама бўлиб, бунда турли ўсимлик турлари ва навларини ўз табиий жойидан илгари улар учрамаган ҳудудларга кўчириш тушунилади. Унинг назариясини швейцариялик ботаник олим Альфонс де-Кандол 1855 йилда, илмий асосларини рус биолог-физиолог олими, академик Н.Вавилов ўзи яратган маданий ўсимликларга таянган ҳол-

лаззатлик ва хуштаъм бўладур”, деб таърифлаган.

Тарихий манбаларга қараганда, 1530 йили Агра шаҳрида бемор ётган чоғида Бобур она юртининг меваларини қаттиқ соғинган. Шу боис, чопарларга Андижоннинг қовун ва тарвузларидан олиб келишни буюрган. Улар қовун ва тарвузлар устини сомон аралашган, қаттиқ пишитилган лой билан 6-7 сантиметр қалинликда суваб, қолларга жойлаб йўлга тушган. Шохнинг буйруғини бажариш учун олис йўл босган қарвон ниҳоят манзилга етиб келади. Саройнинг сарбаланд тахтида ўтирган Бобур қарвонбошининг тиз чўкиб ер ўпишига йўл қўймайди. Аксинча, уларнинг барини, либосларининг гардини юзига, кўзига суртади.

Шаҳаншоҳ лабда табассум, кўзда ёш билан ўтли сатрларни қоғозга туширади:

**“Қовун бирла узумнинг ҳажрида
Кўнглимда ғам ҳар суе,
Оқар сувинга фироқидин
Кўзимда ҳар дам оқар суе”.**

Айтишларича, бу қовунларнинг уруғини олиб, экиб ўстириб қўришган. Бобур Мирзо Ҳиндистонда етиштирилган қовунларнинг ҳиди ва таъмини туғилган ўлкасиникига ўхшата олмади. Шунда у “ўз юртида, унинг ҳавоси, суви ва қуёшидан баҳра олиб ўсмаган мева аслидек бўлмас экан”, деганди. Албатта, ўлкамизда ўстириладиган мевалар таъми ва мазаси жиҳатидан ҳеч бир мамлакатда учрамайди. Учраганда ҳам кескин фарқ қилади.

Бобур Фарғона водийси табиати хусусида “Бобурнома”нинг илк саҳифаларида тўпқиланиб ёзади: “Гирдоғирди тоғ воқе бўлбтур. Ғарбий тарафидаким, Самарканд ва Хўжанд бўлғай, тоғ йўқтур. Ушбу жонитбин ўзга ҳеч жонитбин қиш ёғий кела олмас...”.


Марғилонга эса бундай таъриф беради: “Яна бир Марғиондур. Андижоннинг ғарбидадур. Андижондин етти йиғоч йўлдур. Яхши касабга воқе бўлбтур, пур неъмат; анори ва ўриги асру кўп хўб бўлур. Бир жинс анор бўлур, “дона калон” дерлар, чучуқлигда зардолу майхушлиғидин андак чошни бор. Самнон анорларига таржеҳ қилса бўлур. Яна бир жинс ўрук бўлурким, донасини олиб, ичига мағз солиб, қурутурлар, “субхоний” дерлар, бисёр лағиздур”.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳам Водил, Чимён, Бешариқ, Яйпан, Исфара, Хўжанд, Конибодом ҳудудларида етиштирилган субхоний ўрикларнинг данаги олиниб, ўрнига мағзи солиниб ва қуритилиб, бошқа мамлакатлар бозорларига чиқарилади.

“Айниқса, икки меваси Самарқанда машҳурдир: Самарканд олмаси ва Самарқанднинг соҳиби узуми... Баҳорлар саҳроси шаҳри дала ва томи яшил бўлгани учун Шаҳрисабз ҳам дейилади. Бу ерда сув кам, баҳори экини ва қовуни яхши бўлади”.

Бобурни ўз замонида меваларнинг хиллари, навлари, уларнинг энг сараси, дарахтларининг ҳатто ўтинга боп ёки ноболлиги, чўғининг узоқ ёки қисқа муддатда ўнмаслиги каби эл эҳтиёжига зарурятли жиҳатлари ҳам қизиқтирган.

Бобур қайси юртга қадами етган бўлса, боғлар яратган, юртни обод қилган. Хусусан, Кобулда барпо этган боғларининг шухрати етти



иклимга машҳур бўлган. Агар боғларнинг бири мевали дарахтлардан ташкил топса, бошқаси анвойи гуллар билан безатилган.

Тарихшунос олим Абдулҳамид Лоҳурийнинг “Подшоҳнома” асарида келтирилишича, Кобулдаги Боғи Бобур, Боғи шаҳроро, Боғи сурат,



Боғи моҳтоб, Боғи оҳуҳона, Ўртабoғ, Чорбоғи Кобул, Ҳиндистоннинг Аграсидаги Боғи беҳишт, Хилватхона, Боғи Зарафшон, Оромгоҳ, Секридаги Боғи фотиҳ, Дилпурдаги Боғи назаргоҳ, Нилуфар, Гвалиёр боғлари бевосита унинг раҳнамолиги, молиявий таъминоти ва лойиҳаси асосида бунёд этилган.

Бобур доимо боғдорчиликка алоҳида меҳр билан қараган ва Ҳиндистон ҳамда Покистонда узумнинг ханузгача Самарқанд номи билан машҳур бўлган янги навларини ўстирган. Ҳозиргача унинг кўплаб боғлари “Бобури ангури худо” — “Бобур узум боғлари” деб номланади.

**Бобур Агра шаҳрида
вафотидан олдин
фарзандларига ўз хокини
Кобулда, ўзи яратган
боғда дафн этишни
васият қилади. Унинг
жасадини валиаҳд
амирзода Мирзо Ҳумоюн
филлар қарвонида
Кобулга келтириб, ота
васиятини бажаради.
Мовароуннахрлик
меъморлар Бобур қабрига
сағана, устига қўшқ айвон
бунёд этади.**

Бу таварруқ маскан аини пайтда ҳам гавжум қадамқодир. Кобулга ташриф буюрган давлат раҳбарлари, олим фузалолар ушбу даргоҳни зиёрат қилмасдан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасига ҳурмат бажо этмасдан кетмайди.

Замондош олимларимиз ёзганидек, Бобурнинг бунёдкорлик фаолияти, унинг бетакрор боғлари худди соҳибқирон Амир Темурники каби фарзандларига мерос бўлиб қолди. Табиийки, бу меросдан бугунги авлод ва келажак насллар ҳам ибрат олади. Аслида ҳам Мирзо Бобур тенгсиз ижоди билан ҳар бир инсон қалбига эзгулик дарахтини ундириб кетган. Бу дарахтлар чўқур томир ота бориб, қуртаклари авлодлар қалбига барқ уриб яшайверади.

Юртимизда кейинги йилларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, ўлкамизни яшнатаётган, ўзимизнинг ва кўплаб чет элларнинг дастурхонини тўкин қилаётган бетакрор боғ-роғларимиз эса улў боболаримизнинг буюк ишлари боқийлигидан далолат беради.

Айниқса, Бобурнинг Ҳиндистондек турли миллатлар, динлар ва қадриятлар уйғунлашиб кетган ўлкани бошқариш бобидаги қарашлари ва фаолияти ҳозирги кунда юртимизда давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида алоҳида тадқиқ қилишга ариғулик мавзудир. Шунинг учун Бобурнинг илмий-маънавий меросини, хусусан, сиёсий-ҳуқуқий қарашларини миллий истиқлол мафқураси талабларидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш доимо ўзининг аҳамиятини йўқотмайди.

Биринчидан, миллий давлатчилигимиз тараққиёти жараёнида аждоқларимиз томонидан яратилган сиёсий-ҳуқуқий қарашларни ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш ва холисона баҳо бериш янги сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, фуқароларни, айниқса, ёш авлодни юксак ахлоқий-ҳуқуқий қадриятлар руҳида тарбиялашда миллий давлатчилигимиз шаклланишида ўзининг улкан ҳиссасини қўшган буюк аждоқларимиз, жумладан, Бобур қолдирган бой тажрибага таяниш ва шу асосда ёшларнинг миллий ўзлиги ва гурурини юксалтириш долзарб вазифалардан биридир.

Учинчидан, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида шоир ва саркарданинг жамият ҳаётини ташкил этишдаги ижтимоий-сиёсий фаолияти, айниқса, бугунги кун учун ҳам долзарб бўлган диний бағрикенглик, миллатлараро тутувлик каби сиёсатни юритиш борасидаги тажрибаларини татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек давлатчилиги тарихидан муносиб ўрин эгаллаган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ва унинг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш долзарб масала. Бинобарин, ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган

олим сифатида у халқимиз тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

Бобур давлатлар ҳақида фикр юртатар экан, уларни икки турга ажратган: — адолатли, марказлашган давлат; — адолатсиз, тарқоқ давлат.

Бобур учун адолатли, марказлашган давлатнинг намунаси Амир Темур салтанати, унинг давлат бошқаруви эди. Ўз фаолиятида ҳар доим буюк бобосидан ўрнак олишга, юрт манфаатларини кўзлаб, адолат билан иш юритишга ҳаракат қилган. Подшоҳ ўз фаолиятида яқка ўзи қарор қабул қилмаслиги, албатта, бунда тажрибали арбоблар билан маслаҳатлашиши ва давлатни фикрлар хилма-хиллиги асосида бошқариш тўғрисидаги илғор қарашларни илгари сурган. У, шунингдек, подшоҳ камтар бўлиши, ўз фуқаролари ва эътиборли кишиларни олдида нўжўя, адолатсиз хатти-ҳаракат қилишдан тийилиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратган.

Бобур мамлакатнинг бир бутунлиги ва мустақиллигини сақлашни ўз давлатчилик фаолиятининг муҳим мақсади деб ҳисоблаган. Саркарданинг фикрича, мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилишда подшоҳ ўта мулоҳазага бўлиши, маслаҳат билан иш юритиши, шошма-шошарлик билан иш тутмаслиги лозим. У “Бобурнома”нинг бир неча саҳифаларида бунинг ўзининг аччиқ қисмати, йўл қўйган хатоси билан боғлаб, қуйидагича таъкидлайди: “Мулкгирликда ва мамлакатдорликда агарчи баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва муважжаҳ кўринур, вале ҳар ишнинг заминида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдур. Ушбу бир бемулоҳаза ҳукм қилганимиздин не миқдор шўр ва фитналар кўпти. Охир Андижондин иккинчи навбат қиғонимизга сабаб ушбу бетаамул ҳукм қилганимиз бўлди...”.

Бобур давлатни бошқариш соҳасида “Темур тузуклари” асосида ташкил этилган давлатчилик тажрибасини Ҳиндистондек улкан мамлакатда ўз салтанатини ташкил этиш жараёнида илғор, замонавий қарашлари билан янада бо-

давлатнинг ривожланиши, халқ фаровонлиги ва бахтга эришиши билан боғлайди.

Бобурнинг адолат ҳақидаги қарашлари кўпроқ шеърлятида ҳам ифода этилган: кишиларни бир-бирларига вафо қилишга, садоқатли бўлишга чақиради ҳамда адолатли, яхши инсон ҳеч қачон ёмонлик кўрмаслигини, аксинча, ёмон инсон ўзининг хатти-ҳаракатига мос равишда жазо олишини таъкидлайди.

Шоҳ ва шоир турли ҳудудлар ва минтақаларнинг, мамлакатлар ва ўлкаларнинг, шаҳарлар ва қишлоқларнинг сиёсий тарихи, илм-фани, маданияти, урф-одатлари билан бирга, уларнинг табиати, хўжалиги, жуғрофий ўрни, чегаралари, яйловлари, тоғ ва даралари, қўл ва дарёлари, хилма-хил ўсимликлари, мевалари ва ҳайвонот дунёси, ер усти ва ер ости бойликлари, тили, савдо-сотик ишлари билан ҳам астойдил қизиққан. Шу ўринда Бобур доривор ўсимликларни топиб, малҳам қилганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Дарҳақиқат, биз ўзбекларда аждоқларимиздан мерос қолиб келётган таҳсинга лойиқ жуда кўплаб фазилатлар мавжуд. Барвақт туриб атрофни тозалаш, чиқиндини сувга қараб супурмаслик, тузни тўкмаслик, шамол, умуман, табиат инжиқликлари ҳақида ноўрин гап айтмаслик қабилар қадриятларимиз асосларидандир. Бобур бу бебаҳо қадриятлар хусусида ҳам ўз асарларида таъкидлаб ўтган. Фарзандлари, набираво эвара-чевараларига қиққиб олдин бўлса-да, сув оқиб ўтган ариққа таҳорат ушатма, сувни ҳурмат қил, унинг нопок бўлишига ҳеч қачон йўл қўйма, бу йўлда гуноҳга ботма, деб насихат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Бобур, умуман, буюк аждоқларимизга хос бу каби ҳикматлар, тузуклар, таълимотлар, донишномалар, шунингдек, миллий удумлар ва анъаналар, миллий маънавий қадриятлар бугунги кунимиз учун ҳам ниҳоятда долзарблигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 425.

11950 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.

Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.

Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов

Мусаҳҳих: Мафтуна Минғобоева

Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:

100029, Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 22:50 Топширилди — 00:40